

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**АХМЕДОВ МИРЗОКИР ХАКИМОВИЧ**

**ЛИНТЕР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН КОЛОСНИК ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Ахмедов Мирзокир Хакимович**

Линтер самарадорлигини ошириш учун такомиллаштирилган колосник  
ишлаб чиқиш..... 3

**Ахмедов Мирзокир Хакимович**

Разработка модернизированного колосника для повышения  
эффективности линтера..... 21

**Akhmedov Mirzokir**

Development of a modernized grate to improve linter efficiency.....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 40

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**АХМЕДОВ МИРЗОКИР ХАКИМОВИЧ**

**ЛИНТЕР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН КОЛОСНИК ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.3.PhD/Т104. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси “Пахтасаноат илмий маркази” АЖда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сулаймонов Рустам Шенникович**

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Мадумаров Илхом Дедаханович**

техника фанлари доктори, доцент

**Мавлянов Айбек Палванбаевич**

фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» июль соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (380-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» июль куни тарқатилди.  
(2020йил «27» июлдаги 16-рақамли реестр баённомаси).



**Р.М.Муродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**О.Ш. Саримсаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор

**К.М. Холиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тўқимачилик саноатининг асосий хомашёларидан бири пахта толаси ҳисобланади. Дунё статистикаси ва пахта бўйича Халқаро консултатив кўмита (ICAC) маълумотларига кўра пахта толасини экспортёрларига АҚШ, Ҳиндистон, Австралия ва Бразилия ҳамда импортёрларига Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия ва Индонезия мамлакатлари киради»<sup>1</sup>. Пахтага дастлабки ишлов бериш техника ва технологияларини такомиллаштириш орқали ускуналар иш унумдорлигини, тозалаш самарадорлигини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган тола, чигит ва момиқнинг сифатини оширувчи техникаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан пахта чигитини линтерлаш техник воситалари ва технологияларни яратиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи ресурстежамкор техникаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда пахтага дастлабки ишлов бериш янги техника ва технологияларини ишлаб чиқиш, илмий асосларини яратиш доирасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарининг асосий ускунаси ҳисобланган линтерни ишлаш жараёнини автоматлаштириш, иш унумдорлигини ошириш, ишчи камерани ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш, уларни мустақамликка таъсирини аниқлаш, ускунанинг эксплуатация ишончилигини такомиллаштириш, математик моделларини ишлаб чиқиш ва уларнинг оптимизация масаласи асосида ишлаб чиқарилаётган чигит ва момиқни табиий сифатини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга линтер учун ресурстежамкор такомиллаштирилган колосникни ишлаб чиқиш, параметрини асослаш, чигитни линтерлашда чигит ва момиқнинг сифатини яхшилаш, самарадорликни оширувчи ишчи қисмлар билан таъминлаш ва энергия сарфини камайтириш зарур ҳисобланади.

Республикамизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш ва пахта-тўқимачилик кластерлари корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш асосида корхоналарни модернизациялаш, пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, пахтага қайта ишлов беришда корхона рентабеллигини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобадбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

---

<sup>1</sup> Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган ва истеъмолчининг чигит ва момикқа бўлган эҳтиёжини қондирадиган чигитни линтерлашнинг янги техникасини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 23 февралдаги ПҚ-3559-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Paxtasanoat Ilmi Markazi» АЖ нинг фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифани амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Линтер ишчи қисмларини такомиллаштириш, ресурстежамкорлигини ошириш, чигитни линтерлаш технологиясини такомиллаштириш, пахта чигитини линтерлашни ишлаб чиқариш жараёнларига ва олинадиган чигит ҳамда момикнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсири масалалари бир қатор олимлар: J.Gino, Jr. Mangialardi, W. Stanley, D.Michael, S.E. Anthony, J Price, A.C Griffin ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Пахта чигитини линтерлаш жараёнини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш бўйича назарий-методологик асоси бўлган фундаментал ва амалий масалаларни ечишга мамлакатимизда бир қатор олимлар: Б.А. Левкович, Д.А. Шепелевич, С.П. Иванов, И.И. Хохлов, К.К. Искандаров, Б.Я. Кушакеев, В.В. Дъячков, Р.Ш. Сулаймонов, Э.К. Нуралиев ва бошқалар соҳа ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар.

Пахта чигитини линтерлашда линтер асосий ишчи қисмларини такомиллаштириш орқали ишчи камерадан линтерланган чигитларни ташқарига ўз вақтида чиқишини таъминлаш билан чигитнинг механик шикастланишини, момикнинг ифлослик даражасини камайтириш орқали уларнинг сифатини оширадиган, ишчи камерада линтерланган чигитларнинг бўлиш вақтини кескин камайтириш орқали иш унумдорлиги юқори бўлган

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

линтер ускунасини яратиш муаммоси ҳозирги вақтгача ҳал этилмаган. Хорижий мамлакатларнинг пахта тозалаш корхоналарида ишлатилаётган пахта чигитини линтерлаш ускуналарининг тахлили уларнинг иш унумдорлиги етарли эмаслигини, линтерларни конструкцияси жихатидан фақат техник чигитни линтерлашга мосланганлигини, линтерлаш жараёнида чигит механик шикастланишининг ортиши оқибатида бундай линтерларда уруғлик чигитни линтерлаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун линтерланган чигитни ишчи камерадан ўз вақтида ташқарига чиқариш билан чигит ва момикнинг сифатини яхшилайдиган, техник ва уруғлик чигитни линтерлашда чигит шикастланишини олдини олиб, уни талаб этилган меъёردа бўлишини таъминлайдиган, линтернинг чигит ва момик бўйича иш унумдорлигини ошириш билан технологияда линтерлар сонини камайтириш орқали электр энергия ва эҳтиёт қисмлар сарфини тежайдиган линтер ускунасини яратиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1606 «Аррали линтернинг ишчи қисмларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пахта чигитини самарали линтерлаш технологиясини таъминлайдиган такомиллаштирилган линтер колосниги технологик ва конструкцион параметрларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

линтерни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали чигитни линтерлаш технологиясининг самарадорлигини ошириш имкониятларини яратиш;

ишчи камеранинг арралар оралик зонасидаги массали чигит харакатига аррали цилиндр ва колосник таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

чигит тароғи зонасида линтерланган чигитларни ишчи камерадан ташқарига чиқишда колосник остки қисмининг харакатдаги чигитга таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

ишчи камерадан линтерланган чигитни ўз вақтида чиқишини амалга оширишда колосник формасининг харакатдаги чигитга таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

чигитини самарали линтерлашда линтерни рационал ишлашини таъминлайдиган янги профилга эга бўлган колосникни яратиш ва конструкцион параметрларини аниқлаш;

янги профили колосник билан такомиллаштирилган линтернинг муқобил параметрлари ва режимлари асосида чигитни линтерлашда ишлаб чиқаришдаги характеристикасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида чигитни линтерлашда техника ва технология олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** самарали линтерлаш жараёнини амалга оширадиган янги профилли колосник ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий машина ва механизмлар назарияси, механика, олий математика ва тебранишлар назарияси, технологик машиналарни иш жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

линтерлаш жараёнида арра тишлари ва чигитнинг колосник зонасидаги ҳаракати таҳлили асосида линтерланган чигитни ишчи камерада ташқарига ўз вақтида чиқишини таъминлайдиган колосникнинг янги профили яратилган;

ишчи камерада арралар оралиқ зонасидаги чигитнинг ташқарига чиқиш ёки ишчи камерага қайта киришдаги ҳаракатига арра ён томони таъсир кучини инобатга олган ҳолда арраларнинг ишчи камерага кириб туриш баландлиги аниқланган;

чигит тароғи зонасидан чигитларни ташқарига чиқишида колосник остки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчагининг рационал катталиги аниқланган;

кўп омилли тажрибаларни режалаштириш ва амалга ошириш йўли билан линтернинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган янги профилли колосник конструктив ва технологик параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аррали линтернинг юқори самарадорликда ишлашини таъминлайдиган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширадиган колосник янги профили ишлаб чиқилган;

амалий тадқиқотлар асосида аррали линтер учун ишлаб чиқарилган колосникнинг рационал технологик ва конструктив параметрлари аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги линтер бўйича олинган хулосалар ва тавсиялар, тажриба синовларини лаборатория ва пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, уларни маълум баҳолаш меъзонлари бўйича адекватлиги, апробация ва жорий қилиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқилаётган фан соҳасидаги маълумотларни қиёсий таҳлили билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти массали чигитни арралар оралиғида ҳаракатланишида арраларнинг ишчи камерага кириб туриш баландлиги ва ён томонининг чигит ҳаракатига таъсирининг алгоритмик ечими ишлаб чиқилиши, массали чигитни чигит тароғи зонасидаги ҳаракатига колосникнинг аррали цилиндрга нисбатан ўрнатилишининг назарий тадқиқотлари билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигит ва момик сифатини яхшилайдиган, электр энергияси ва эҳтиёт қисмларни тежайдиган, иш унумдорлиги юқори бўлган янги профилли колосник билан такомиллаштирилган 5ЛП линтерни тавсия қилинганлиги ва ишлаб чиқариш шароитида қўллаш имконияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта тозалаш корхоналарида чигитни линтерлаш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган колосник конструкциясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта чигитини линтерлаш технологияси «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан Сирдарё вилоятининг Бахт пахта тозалаш корхонаси линтерлаш цехида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 5 майдаги 03-18/1217-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигини ўртача 11,6 % ва 12,74 %га, момик бўйича иш унумдорлигини ўртача 12,28 % ва 16,9 %га оширишга эришилган;

такомиллаштирилган 5ЛП линтери «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарда, жумладан Сирдарё вилоятининг Бахт пахта тозалаш корхонасида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 5 майдан 03-18/1217-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли чигитларни линтерлашда чигитнинг шикастланиши ўртача 0,16 (абс)% ва 0,14 (абс) %га, момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушини ўртача 0,42 (абс)% ва 0,31 (абс) %га камайтириш, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момик сифатини яхшилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 2 та Республика анжуманларида ва 6 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола нашр этилган, шулардан 5 та мақола Республика ва 1 та мақола чет эл журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 103 бет, 36 расм ва 21 жадвалдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган

натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзу бўйича чигитни линтерлаш жараёнининг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи боби чигитни линтерлашда ишлатилаётган линтерларни бугунги кундаги ҳолатига бағишланган.


Махаллий ва чет давлатда ишлаб чиқарилган линтерлардаги ишчи қисмларнинг авфзаллик ва камчиликлари ўрганилган, чигит сиртидан момикни қириб олишни жадаллаштириш орқали ишчи камерада линтерланган чигитларни бўлиш вақтини камайтириш ва линтернинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида линтер ишчи камерасидаги аралаштиргич такомиллаштирилган, натижада линтернинг момик бўйича иш унумдорлиги бир мунча ортган, лекин чигит сиртидан максимал миқдорда момикни қириб олиш технологияси ва линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигининг ортиши ечилмаганлиги, махаллий 5ЛП линтерлардаги колосник конструкциясининг камчилиги оқибатида линтер ишчи камерасидан аррали цилиндрдаги арралар оралиғига тушаётган линтерланган чигитларни ўз вақтида чиқиб кетишга улгурмасдан, чигит тароғи зонасида тўпланишидан маълум миқдордаги чигитларининг камерага қайтиб кириб кетиши оқибатида, чигитли валик зичлигининг ортиши билан бирга линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигини камайишини юзага келтириши таҳлил қилинди.

Хорижий линтерларда қўлланилган колосниклар конструкциясига асосан чигит тароғи зонасида чигитларнинг тўпланиб қолиш ҳолатини кескин камайтирган, лекин аррали цилиндр билан аралаштиргич тезлигининг юқориликдан ишлаб чиқарилаётган чигитнинг шикастланиши, момикнинг ифлослик даражасининг ортиши юзага келиб, чигит ва момикнинг сифат кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлиши таҳлил қилинган.

Ўрганилган ва таҳлил этилган натижалар асосида чигитни линтерлашда чигит ва момикни сифатини яхшилайдиган, самарали линтерлаш жараёни технологиясини амалга оширадиган иш унумдорлиги юқори бўлган такомиллаштирилган линтерни ишлаб чиқариш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Пахта чигитини линтерлаш жараёнининг назарий асослари”** деб номланган иккинчи бобида линтер ишчи камерасидаги колосник бўйлаб чигиларнинг ҳаракатланишида чигитларнинг ўзаро қайишқоқлик кучи билан контактда бўлишига ва горизонтга нисбатан колосник қисмининг қиялик бурчакларига боғлиқлиги ўрганилган. Бунда чигитлар икки қатор занжир ҳосил қилган бир хил массадаги  $m$  бир бири билан ўзаро қайишқоқ элементлар орқали боғланган каттиқлик коэффициенти бир хил  $c$  ва арра деворлари билан қайишқоқ элементлар (пружиналар) билан ўзаро таъсирида бўлади (1-расм). Чигитнинг  $DC$ ,  $CB$  ва

ВА синиқ чизиқлар бўйлаб ҳаракатланиш тенгламалар тизимини 1-расмда келтирилган схема бўйича қуйидагича ёзамиз:




1- ишчи камера, 2- аралаштиргич,  
3- чигитли валик, 4- чигит тароғи,  
5-колосник, 6-аррали цилиндр,  
7- чигитлар тўплами

**1- расм. Колосник бўйлаб чигитларнинг ҳаракатланиш тенгламалар тизими**

$$\begin{aligned}
 m\ddot{x}_1 &= c(x_2 - x_1) + mg(\sin\alpha_1 - f \cos\alpha_1) \\
 m\ddot{x}_2 &= -c(x_2 - x_1) + c(x_3 - x_2) + c_0(v_0t - x_2) + mg(\sin\alpha_1 - f \cos\alpha_1) \\
 m\ddot{x}_3 &= -c(x_3 - x_2) + c(x_4 - x_3) + c_1(x_{12} - x_3) + mg(\sin\alpha_1 - f \cos\alpha_1) \\
 m\ddot{x}_4 &= -c(x_4 - x_3) + c(x_5 - x_4) + c_1(x_{13} - x_4) + mg(\sin\alpha_1 - f \cos\alpha_1), \\
 m\ddot{x}_5 &= -c(x_5 - x_4) + c(x_6 - x_5) + c_1(x_{14} - x_5) + mg(\sin\alpha_2 - f \cos\alpha_2) \\
 m\ddot{x}_6 &= -c(x_6 - x_5) + c(x_7 - x_6) + c_1(x_{15} - x_6) + mg(\sin\alpha_2 - f \cos\alpha_2) \\
 m\ddot{x}_7 &= -c(x_7 - x_6) + c(x_8 - x_7) + c_1(x_{16} - x_7) + mg(\sin\alpha_2 - f \cos\alpha_2) \\
 m\ddot{x}_8 &= -c(x_8 - x_7) + c(x_9 - x_8) + c_1(x_{17} - x_8) + mg(\sin\alpha_3 - f \cos\alpha_3) \\
 m\ddot{x}_9 &= -c(x_9 - x_8) + c(x_{10} - x_9) + c_1(x_{18} - x_9) + mg(\sin\alpha_3 - f \cos\alpha_3) \\
 m\ddot{x}_{10} &= -c(x_{10} - x_9) + c(x_{11} - x_{10}) + c_0(v_0t - x_{10}) + mg(\sin\alpha_3 - f \cos\alpha_3) \\
 m\ddot{x}_{11} &= -c(x_{11} - x_{10}) + mg(\sin\alpha_3 - f \cos\alpha_3) \\
 m\ddot{x}_{12} &= -c_1(x_{12} - x_3) + c(x_{13} - x_{12}) + c_2(v_0t - x_{12}) + mg \sin\alpha_1
 \end{aligned} \tag{1}$$

Линтернинг самарали ишлашини белгиловчи асосий ишчи қисмларидан бири колосникли панжара эканлигини инобатга олган ҳолда колосникли панжаранинг пастки қисмини қиялик бурчагининг ўзгаришида чигит тароғи зонасидан линтерланган чигитларни ажралиши ўрганилди (2- расм).

Арралар оралиғида чигитнинг узуликсиз ҳаракатланишидаги тенгсизлигини ифодаловчи формулани келтирамиз:



1- ишчи камера, 2- аралаштиргич,  
3- чигит тароғи, 4-колосник,  
5-аррали цилиндр,  
6- чигитлар тўплами

**2-расм. 5 ЛП линтери колосниги бўйлаб чигит ҳаракатининг схемаси**

$$Fv_c \geq \frac{(k_0 + 1)\Pi \frac{B_c}{B_b} k_0}{3600\rho_c}, \quad (2)$$

бу ерда  $v_c$  - колосниклар бўйлаб юқорига чигитнинг ҳаракатланиш тезлиги, м/сек;  $B_c, B_b$  - чигит ва момик чиқиши, %;  $\rho_c$  - арралар орасидаги чигитнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\Pi$ - линтернинг иш унумдорлиги, кг/час;  $k_0$  - ишчи камерадан чигитнинг чиқиш нотекислигини ифодаловчи умумий коэффициент,  $k_0 = 1,75 \div 2$ ;  $F$  -ўтиш юзасининг кесими  $F = hbn$ ;  $h$ - ишчи камерага арранинг кириб туриш баландлиги;  $b$  - арралар орасидаги ўтиш кенглиги;  $n$  - аррали цилиндрдаги ўтиш ораликларининг сони;  $k_e = q_b / q_0$ ,  $q_b$  - ишчи камерага қайтиб кирган чигитлар миқдори;  $q_0$  - чигит тароғи зонасида ишчи камерадан умумий ажралган чигит миқдори,  $k_e = 4 \div 5$ .

(2) тенглама ёрдамида чигитнинг ҳаракатланишини моделлаштириш учун қуйидаги шартлар қабул қилинди:

1. Қабул қилинган стационар ҳолатда чигит оқимининг ўзгарувчан механик характеристикаси.

2. Колосникнинг эгри чизиқли шаклини урта тўғри чизиқли участкаларга алмаштириш (аппроксимация).

3. Чигит қатлам қалинлигини доимий, оқимнинг ҳаракатланишини эса стационар деб олинди.

4. Ўтиш оралиғидаги чигит ҳолатини босим, оқим зичлиги ва чигитнинг тезлиги билан аниқланди.

3-расмга асосан колосникнинг ҳар бир тўғри чизиқли участкасида Эйлернинг ҳаракатланиш тенгламаларини қуйидагича ёзамиз:

$$\rho_1 v_1 \frac{dv_1}{dx} = -\frac{dp_1}{dx} + \rho_1 g (\sin \alpha_1 - f \cos \alpha_1) \quad 0 < x_1 < l_1 \quad (3)$$

$$\rho_2 v_2 \frac{dv_2}{dx} = -\frac{dp_2}{dx} + \rho_2 g(\sin \alpha_2 - f \cos \alpha_2) \quad 0 < x_2 < l_2 \quad (4)$$

$$\rho_3 v_3 \frac{dv_3}{dx} = -\frac{dp_3}{dx} + \rho_3 g(\sin \alpha_3 - f \cos \alpha_3) \quad 0 < x_3 < l_3 \quad (5)$$

бу ерда  $p_i, \rho_i, v_i$  - босим ( $Па$ ), зичлик ( $кг/м^3$ ), хар бир участкадаги чигит тезлиги ( $м/с$ ),  $\alpha_i$  - горизонтининг  $OA_i$  ва  $OA_{i+1}$  участкаларидаги хосил бўлган бурчак,  $l_i$  -  $A_i A_{i+1}$  участка узунлиги,  $м$  ( $i=1, 2, 3$ ) (3-расм),  $f$  - чигит оқими ва колосник орасидаги ишқаланиш коэффициенти.

(3)-(5) тенгликларни  $v_i = v_i(x)$  тезликларга нисбатан қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\frac{dv_1}{dx} = \frac{gv_1 F_1(\alpha)}{v_1^2 - c^2} \quad 0 < x < l_1 \quad (6)$$

$$\frac{dv_2}{dx} = \frac{gv_2 F_2(\alpha)}{v_2^2 - c^2} \quad 0 < x < l_2 \quad (7)$$

$$\frac{dv_3}{dx} = \frac{gv_3 F_3(\alpha)}{v_3^2 - c^2} \quad 0 < x < l_3 \quad (8)$$

$$\frac{dv_4}{dx} = \frac{gv_4 F_4(\alpha)}{v_4^2 - c^2} \quad 0 < x < l_4 \quad (9)$$

бу ерда  $F(\alpha_i) = \sin \alpha_i - f \cos \alpha_i$ ,  $c = \sqrt{\frac{1}{A\rho_0}} = \sqrt{\frac{K}{\rho_0}}$  массали чигитни сиқишдаги тўлқинларни тарқалиш тезлиги,  $м/с$ ,  $l_i = A_i A_{i+1} + 1$ , ( $i=1,2,3,4$ )

(6)-(9) тенгламаларнинг ечими  $v_1(0) = v_0$ ,  $v_2(0) = v_1(l_1)$ ,  $v_3(0) = v_2(l_2)$ ,  $v_4(0) = v_3(l_3)$  холатни қаноатлантиради ва қуйидаги кўринишни беради:

$$x = \frac{1}{2gF_1(\alpha)} \left[ v_1^2 - v_0^2 - 2c^2 \ln \frac{v_1}{v_0} \right], \quad 0 < x < l_1 \quad (10)$$

$$x = \frac{1}{2gF_2(\alpha)} \left[ v_2^2 - v_1^2(l_1) - 2c^2 \ln \frac{v_2}{v_1(l_1)} \right], \quad 0 < x < l_2 \quad (11)$$


$$x = \frac{1}{2gF_3(\alpha)} \left[ v_3^2 - v_2^2(l_2) - 2c^2 \ln \frac{v_3}{v_2(l_2)} \right], \quad 0 < x < l_3 \quad (12)$$

$$x = \frac{1}{2gF_4(\alpha)} \left[ v_4^2 - v_3^2(l_3) - 2c^2 \ln \frac{v_4}{v_3(l_3)} \right], \quad 0 < x < l_4 \quad (13)$$

(10)-(13) ифода  $x$  га нисбатан ноаниқ холатда (2.9) – (2.12) тенгламаларнинг ечимини ўрнатади.  $v(x)$  тезликнинг  $x$  га нисбатан боғлиқлиги аниқ холатда сон қиймати усулида ўрнатиш мумкин. Буни инобатга олган ҳолда интеграллаш учун Рунге-Куттанинг рақамли усулидан фойдаланилди. Колосник бўйлаб ўзгарувчан  $S$  ни киритиш орқали (6)-(9) тенгламаларни қуйидагича ёзамиз:

$$\frac{dv_i}{ds} = \frac{gv_i F_i(\alpha)}{v_i^2 - c^2} \quad s_{i-1} \triangleleft s \triangleleft s_i \quad (14)$$

$$s_0 = 0, \quad s_1 = l_1, \quad s_2 = s_1 + l_2, \quad s_3 = s_2 + l_3, \quad s_4 = s_3 + l_4$$



1- ишчи камера, 2- аралаштиргич,  
3- чигит тароғи, 4- колосник,  
5- аррали цилиндр

### 3-расм. $xOy$ текисликдаги колосник тўғри чизикли участкаларининг жойлашиш схемаси

Чигитнинг зичлигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\rho_0 = \frac{nm}{V}$$

бу ерда  $\rho_0$  - аррали дисклар ва колосник оралиғидаги чигитлар зичлиги,  $\text{кг/м}^3$ ,  $n$  - чигитлар сони, дона,  $m$  - бир дона чигит массаси, гр.,  $V$  - чигитлар билан тўлдирилган ҳажм,  $\text{м}^3$ .

Чигит ҳажмини ҳисоблаш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$V = L(S_0 - S_1)$$

бу ерда  $L$  - дисклар орасидаги масофа,  $S_0$  - марказий бурчак  $\alpha$  даги кесим юзаси, у ҳолда

$$S_0 = \frac{\alpha R^2}{2}, \quad \alpha = \alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3 + \alpha_4$$


$S_1$  - колосниклар участкасидаги умумий юзани, қуйидаги йиғинди ҳолатида келтириш мумкин:

$$S_1 = 0,5(R_1 R \sin \alpha_1 + R_1 R_2 \sin \alpha_2 + R_2 R_3 \sin \alpha_3 + R R_3 \sin \alpha_4)$$

Ҳисоблаш ишларида  $n=183$ ,  $m=0,1 \cdot 10^{-3} \text{ кг/м}^3$ ,  $v_0=0,85 \text{ м/с}$ ,  $\alpha_1=20,51^\circ$ ,  $\alpha_2=40^\circ$ ,  $\alpha_3=30,43^\circ$ ,  $\alpha_4=14,25^\circ$ ,  $R=0,16 \text{ м}$ ,  $R_1=0,11042 \text{ м}$ ,  $R_2=0,1145 \text{ м}$ ,  $R_3=0,14123 \text{ м}$ , катталикларни қабул қилинган ҳолда сиқишдаги ҳажм модули

$K$  (Па) нинг ҳар хил қийматлари учун колосник контурида массали чигитни тезлиги ва зичлигининг тақсимланишини ифодаловчи эгри чизиклар 4-расмда келтирилган. Графиклар таҳлили оқим тезлигини сиқиш модули  $K$  га боғлиқлигини кўрсатади. Танлаб олинган параметрларда модулнинг  $K = K_*$  қийматида чигит оқимининг колосник контуридан ташқарига чиқишда ва йўналишини ўзгартиришда тезлигининг камайишига олиб келади. Кўрилаётган ҳолат учун модул  $K_* \approx 165$ (Па) га тенг. Модулнинг катта қийматларида колосник контурида оқим тезлиги ўзгармас бўлиб,  $v = v_0$  га мос равишда тарқалади. Масалан, кўрилаётган ҳолатда  $K > 10^7$  Па колосник контурида оқим тезлиги  $v = 0.85$  м/с га тенг.


4-расмдаги эгри чизиклар таҳлили,  $K > K_*$  ва  $K < K_*$  ҳолатларда чигит оқими зичлигининг ошиши ёки камайишини кўрсатади. Бу ҳолатлар колосник контурида



**4- расм.  $K$ (Па) массали чигитни сиқиш хажми модулининг ҳар хил қийматида колосник контурида чигитлар оқими тезлигининг эгри чизикли тақсимланиши**


Чигитлар оқими харакати тезлашишини таъминлаш учун чигитлар оқимини чигитли валикдан колосникка кириш зонасида кўшимча ёйиш кераклигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг “**Такомиллаштирилган линтернинг тажриба тадқиқоти**” деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган линтернинг синов натижалари келтирилган. Назарий тадқиқотлар асосида линтер чигит тароғи зонасида чигитлар тўпланиб қолиш ҳолатини бартараф этиб, ишчи камерадан линтерланган чигитлар чиқишини жадаллаштирадиган янги профили колосник яратилган ва линтер ишчи камераси такомиллаштирилган (5-расм). Назарий ва лаборатория тадқиқотларининг тахлилидан такомиллаштирилган колосникнинг рационал технологик параметрларини танлаш асосида аррали цилиндрдаги арраларнинг ишчи камерага кириб туриш баландлиги 40 мм ни, колосник остки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги  $60^{\circ}$  ни ва чигит тароғи билан колосник ораллиги 25 мм ни ташкил этди (6- расм).



**5- расм.**

- а). 5ЛП линтери учун янги профили колосникнинг чизма кўриниши.**  
**б). Колосникнинг фото кўриниши**




- 1- ишчи камера, 2- аралаштиргич,  
 3- чигит тароғи,  
 4- такомиллаштирилган колосник,  
 5- аррали цилиндр

**6- расм. Такомиллаштирилган колосникка эга бўлган ишчи камера**


Наманган-77 селекцияли I нав 2-синфли чигитни линерлашдан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлиги 7 % ни, шикастланиши 4,41 % ни ташкил этди (7, 8-расмлар). Момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши 5,44 % га тенг бўлиб, момикнинг сифати яхшиланишидан бир синф юқори бўлди ва давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан Б тип



“Ўрта” синфга тўғри келганлиги аниқланди. Чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги ўртача 146 кг/соатни, момик бўйича ўртача 5,93 кг/соатни ташкил этиб, самарали чигитни линтерлаш жараёни аниқланди.



1, 3- оддий конструкцияли колосникка эга бўлган линтерда;  
2, 4- такомиллаштирилган колосникка эга бўлган линтерда



1, 4- оддий конструкцияли колосникка эга бўлган линтерда;  
2, 3- такомиллаштирилган колосникка эга бўлган линтерда

**7- расм. Ишчи камерада чикаётган чигитнинг тукдорлик ва шикастланганлик даражасининг чигит тароғи билан колосник орасидаги масофага боғлиқлик гистограммаси**

**8- расм. Момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши ва момик ажралишини чигит тароғи билан колосник орасидаги масофага боғлиқлиги**

Диссертациянинг “**Такомиллаштирилган колосникка эга бўлган линтерда ишлаб чиқариш синови ва иқтисодий самарадорлик ҳисоби**” деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқаришда ўтказилган таққослаш-тадқиқот ишларининг натижаси келтирилди. Бунга асосан янги конструкцияга эга бўлган колосникларнинг саноат-тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган колосниклар Сирдарё вилояти Бахт пахта тозалаш корхонасининг чигитни линтерлаш технологик тизимидаги бир дона 5ЛП линтерга ўрнатилиб, линтер такомиллаштирилди (9, 10- расмлар) ва технологик тизимдаги оддий конструкцияли колосникка эга бўлган 5ЛП линтери билан таққослаш-тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот ишлари С-6524 селекцияли I ва III навли пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган чигитда ўтказилди. Тадқиқот натижалари такомиллаштирилган колосникли 5ЛП линтерда I ва III навли чигитни линтерлашдан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлик даражаси ўртача 7,0 % ва 8,42 % ни, шикастланиши


ўртача 4,3 % ва 4,74 % ни ташкил этиб, шикастланиш даражаси оддий конструкцияли колосникка эга бўлган 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган чигит шикастланиш даражасига қараганда навлар бўйича ўртача 0,16 (абс)% ва 0,14 (абс) %га кам эканлигини кўрсатди. Ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши ўртача 5,82 % ва 8,45 %ни ташкил этиб, оддий колосникли 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушига қараганда ўртача 0,42 (абс)% ва 0,31 (абс) %га кам бўлиб, сифатининг яхшиланганлигидан давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан I ва II нав Б тип “Ўрта” синфга тўғри келди. Таклиф этилган линтерда I ва III навли чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги сериядаги 5ЛП линтерга қараганда ўртача 11,6 (нис.)% ва 12,74 (нис.)% га, момик бўйича ўртача 12,3 (нис.)% ва 16,9 (нис.)%га юқори эканлиги аниқланди.

Иш унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момик сифатининг яхшиланиши, электр энергия ва эҳтиёт қисмларнинг тежалиши ҳисобига чигитни линтерлаш технологик тизимига мавжуд оддий колосникли 8 дона 5ЛП линтер ўрнига, такомиллаштирилган 7 дона 5ЛП линтернинг тадбиқ этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга ўртача 317,5 млн. сўмни ташкил этиши ҳисобланди.



**9- расм.**

**Такомиллаштирилган колосникли панжарага эга бўлган 5ЛП линтернинг ишлаб чиқаришдаги кўриниши**



1- чигит тароғи, 2- аррали цилиндр, 3- такомиллаштирилган колосниклар.

**10- расм. Такомиллаштирилган колосникли панжарага эга бўлган 5ЛП линтернинг ишчи камераси**

ПДИ 70-2017-«Пахтага дастлабки ишлов беришнинг мувофиқлаштирилган технологияси» бўйича пахта чигитини линтерлаш технологик тизимига 8 донадан 12 донагача 5ЛП линтерлари ўрнатилади.

Такомиллаштирилган 5ЛП линтерларни жорий этилиши уларнинг сонини камайтириб, технологик тизимда 7 донадан 10 донагача ўрнатилишини таъминлайди.

## ХУЛОСА

1. Назарий изланишлар асосида арралар оралиғидаги чигитлар оқими харакатига арралаи цилиндрдаги арралар ён томони ва колосник профили таъсирининг ўрганнилганда арралар оралиғидаги чигитлар оқимининг ишчи камерадан ташқарига чиқишини жадаллаштирилишида арраларнинг ишчи камерага кириб туриш баландлигининг, чигит тароғи зонасида колосник остки қисмининг, чигит тароғи билан колосник оралиқ масофасининг таъсири катта экани аниқланди.

2. Тўлиқ омилли тажрибаларда олинган регрессия тенгламалари ва лаборатория тадқиқотлари таҳлили натижасида арралаи цилиндрдаги арраларнинг ишчи камерага кириб туриш баландлигини 40 мм, чигит тароғи зонасида колосниклар остки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчагини  $60^0$  ва чигит тароғи билан колосниклар оралиқ масофасини 25 мм рационал катталиқда бўлганда линтер иш унуми юқори бўлиши аниқланди.

3. Линтерда такомиллаштирилган конструкцияли колосникни қўллаш орқали чигитни линтерлаш жараёнида ишчи камерадан линтерланган чигитларни ташқарига самарали чиқариш технологияси ишлаб чиқилган ва конструкцияга FAP 01277 рақамли фойдали модел билан Ўзбекистон Республикасининг патенти олинган.

4. Ишлаб чиқаришда I ва III навли техник чигитни линтерлашда янги конструкцияли колосник билан такомиллаштирилган 5ЛП линтерни оддий конструкцияли колосникка эга бўлган 5ЛП линтер билан ўтказилган синов таққослаш ишларининг натижаси таклиф этилган линтерда ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлик даражаси ўртача 7,0 % ва 8,42 % ни, шикастланиши ўртача 4,3 % ва 4,74 % ни ташкил этиб, шикастланиш даражаси оддий конструкцияли колосникка эга бўлган 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган чигит шикастланиш даражасига қараганда ўртача 0,16 (абс)% ва 0,14 (абс) %га кам эканлигини кўрсатди.

5. Чигитни линтерлашдан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улуши I ва II навлар бўйича ўртача 5,82 % ва 8,45 %ни ташкил этиб, оддий колосникли 5ЛП линтердан ишлаб чиқарилган момикдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушига қараганда ўртача 0,42 (абс)% ва 0,31 (абс) %га кам бўлди. Олинган момик сифатининг яхшиланганлигидан давлат стандарти O'zDst 645:2016 га асосан I ва II нав Б тип “Ўрта” синфга тўғри келди.

6. Такомиллаштирилган 5ЛП линтерда I ва III навли техник чигитни линтерлашда, линтернинг чигит бўйича иш унумдорлиги ўртача 11,6 (нис.) % ва 12,74 (нис.) %га, момик бўйича ўртача 12,3 (нис.) % ва 16,9 (нис.) %га юқори эканлигини кўрсатди.

7. Иш унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момик сифатининг яхшиланиши, электр энергия ва эҳтиёт қисмларнинг тежалиши ҳисобига чигитни линтерлаш технологик тизимига мавжуд оддий колосникли 8 дона 5ЛП линтер ўрнига, такомиллаштирилган 7 дона 5ЛП линтернинг тадбиқ этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга ўртача 317,5 млн. сўмни ташкил этади.

8. ПДИ 70-2017-«Пахтага дастлабки ишлов беришнинг мувофиқлаштирилган технологияси» бўйича пахта чигитини линтерлаш технологик тизимига 8 донадан 12 донагача 5ЛП линтерлари ўрнатилади. Такومиллаштирилган 5ЛП линтерларни жорий этилиши уларнинг сонини камайтириб, технологик тизимда 7 донадан 10 донагача ўрнатилишини таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD. 03/30.12.2019.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ  
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»**

**АХМЕДОВ МИРЗОКИР ХАКИМОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА МОДЕРНИЗИРОВАННОГО КОЛОСНИКА ДЛЯ  
ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛИНТЕРА**

**05.06.02–Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3.PhD/Т104.

Диссертация выполнена в АО «Пахтасаноат илмий маркази»

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Сулайманов Рустам Шенникович**

доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Мадумаров Илхом Дедаханович**

доктор технических наук, доцент

**Мавлянов Айбек Палванбаевич**

доктор философии (PhD)


**Ведущая организация:**

**Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится 30 июля 2020 года в 09<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-68, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №380). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан 27 июля 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 16 от 27 июля 2020 года).



**Р. Мурадов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**О. Саримсаков**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**К. Холиков**  
Председатель Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одним из основных видов сырья текстильной промышленности в мире является хлопковое волокно. Согласно мировой статистике и Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC) экспортерами хлопкового волокна являются США, Индия, Австралия и Бразилия, а импортерами - Бангладеш, Вьетнам, Китай, Турция и Индонезия»<sup>1</sup>. С помощью усовершенствования и внедрения техники и технологии первичной обработки хлопка-сырца можно значительно повысить производительность машин, очистительный эффект, качество производимой продукции: волокна, семян и линта. В этой связи создание техники и технологии линтерования хлопковых семян, улучшение качества продукции, разработка ресурсосберегающих технологий, повышающих эффективность производства, является одной из основных задач.

